СОҲИБҚИРОННИ ЁД ЭТИБ

НУКУС. Буюк соҳибқирон ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон шаҳар ва қишлоқларида ҳам хайрли тадбирлар ўтказилмоқда. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид йиғилишлар, давра суҳбатлари уюштириляпти. Корхоналарда, маданий оқартув муассасаларида кўргазмалар ташкил этилмоқда. Республика ўлкашунослик музейида очилган кўргазма ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Тоғ мошабиплар етти иқлимга маърифат ва эзгулик етказиш йўлида саъй-ҳаракат қилган Амир Темурнинг ҳаётига дахлдор турли далилий ашёлар билан танишдилар.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ.

ҚИШЛОҚДА ЙИРИК КОРХОНА

ҚАШҚАДАРЁ. Касби туманида сабзавотларни қайта ишлаш ўзига хос муаммога айланган. Бунинг ечимини топиш мақсадида Алишер Навоий номли жамоа ширкат хўжалигида консерва корхонаси барпо этилмоқда. "Қишлоқда бундай корхонани бунёд этиш осон эмас,— дейди ширкат раиси З. Асроров. — Биргина электр энергияси масаласини ҳал қилиш учун 32 миллион сўм маблағ ажратилди. Бинолар деярли тикланган. Уммон ортидаги ҳамкорлар корхонамизга қизиқиш билан қарашмоқда. Хусусан, "Америка — Ўрта Осиё" банки маблағ ажратадиган бўлди. Корхона бир йўла 9 минг тонна помидорни қайта ишлаб, маҳсулотга айлантириш қувватига эга бўлди.

Юнус УЗОҚОВ.

СУХАНДОН НОМИ БЕРИЛДИ

ТОШКЕНТ. Истеъдодли сухандон, бадиий сўз устаси, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Маҳсумовнинг жозибали овози 40 йилдан зиёд радио тўлқинларида мавжланди. Яқинда хайрли ишга қўл урилиб, Ўзбекистон телерадио компанияси жамоаси ҳамда радио тингловчиларнинг таклиф-истаклари инобатга олинди. Пойтахтимиз кўчаларидан бирига Қодир Маҳсумов номи берилди.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

УЯЛИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

НАМАНГАН. Вилоятда телефон тизими такомиллашмоқда. Бултур олмонияликлар кўмагида 12 минг номерли "Алкатель" линияси ишга туширилганди. Яқинда эса "Ўздунробита" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси кўмагида 300 номерли уяли телефон станцияси ишга туширилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

АҲОЛИГА БЕПУЛ ХИЗМАТ

БУХОРО. Вобкент туманида қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш бўйича хайрли ишлар қилинмоқда. Хусусан, "Зарафшон" жамоа хўжалигида маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини кўпайтириш билан қишлоқлар қиёфасини ўзгартиришга эришиляпти. Кумушкент қишлоғининг ўзида аҳолига 15 турда хизмат кўрсатилмоқда. Муҳими, хизмат харажатларини жамоа хўжалиги ўз зиммасига олган.

Даврон БАҲРОНОВ.

"ГУЛШАН"НИНГ БАЙРАМ ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ. Давлат аграр университети "Гулшан" халқ дастаси истиқлол байрамига муносиб туҳфа ҳозирламоқда. Маълумки, бу ҳаваскор ижрочиларни мамлакатдан ташқарида ҳам яхши билишади. Яқинда санъат ихлосмандлари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг мукофотига сазовор бўлишди. "Гулшан" шу кунларда Мустақиллик байрамининг беш йиллигига бағишланган янги томоша дастурини тайёрламоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 23 июль, сешанба № 93 (22.014).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 июль куни Туркиянинг «ЭКА» иқтисодий хабарлар агентлиги соҳиби, шу номдаги журнал нашири Муҳаррам Ўзгувенни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Туркия билан дўстона муносабатлари ривожланиб бораётгани ҳақида гапирар экан, бундай алоқаларнинг мустаҳкамланишида, шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари, жумладан, «ЭКА» ахборот агентлигининг ҳам хизмати борлигини таъкидлади.

— Агентлигингиз томонидан чоп этилган «ЭКА» журналининг Ўзбекистонга бағишланган махсус сони билан танишдим,— деди Президент Ислом Каримов. — Бизни қувонтираётган нарса шуки, сиз раҳбарлик қилаётган маҳкама Ўзбекистон тўғрисида дунё мамлакатларига ҳаққоний ахборот тарқатмоқда. Бу Ўзбекистоннинг нафақат Туркия, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам янада яқинлашувига кўмак беради.

Муҳаррам Ўзгувен Ўзбекистон раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, оталар юрти ҳақида ёзиш турк журналисти учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини айтди.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Сизнинг 3 июлда йўллаган мактубингизни миннатдорлик билан қабул қилиб олдим.

Аввало, 19 июль куни «ЎзДЭУавто» заводи ишга туширилиши муносабати билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. «ЎзДЭУавто» заводи очилишига бағишланган бу маросим 1992 йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта аҳамиятга эгадир. Завод очилиши маросимига жуда катта аҳамият берилаётгани муносабати билан мен ўз вакилим — сиёсий ишлар бўйича вазир жаноб Ким Ток Ленгни юборяпман. Вазир жаноб Ким Ток Ленгнинг мамлакатингизга ташрифи ўзаро ҳамкорликни жадаллаштириш ишида яна бир воқеа бўлиб қолишига кўмак беришингизни сўрайман.

Сиз жаноби олийлари каби мен ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар кенгайиб бораётганлигидан мамнуният изҳор қиламан. Иккала мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён атиги тўрт йил вақт ўтганига қарамай ҳозирдаёқ Президентларнинг ўзаро ташрифлари амалга оширилди ва ҳозирги пайтда ҳамкорликнинг барча соҳаларидаги фаол муносабатлар дипломатия муносабатлари олдинроқ ўрнатилган мамлакатлар билан бўлаётган муносабатлардан қолишмайди.

Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутган ва диаспорамиз вакилларидан салкам 220 минг киши (МДҲ мамлакатлари орасида энг кўпи) истиқомат қилаётган Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга мен ҳамиша алоҳида аҳамият бериб келаяпман. Мамлакатингизда Сиз жаноби олийларининг раҳбарлигида зўр таассурот қолдирувчи сиёсий ва иқтисодий тараққиёт содир бўлмоқда ва мен ишонаманки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар яна ҳам кўпроқ даражада ривожланиб, тобора мустаҳкамланиб бораверади. Мен бунда Сизнинг тушунишингиз ва ёрдамингиз намоён бўлишини кўришни истардим.

Андижонда автомобиль заводи ишга туширилиши билан Сиз жаноби олийларини яна бир бор муборакбод этишга ҳамда сизга, оилангизга ва Ўзбекистоннинг барча фуқароларига янада тараққиёт ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Ким Ен САМ,

Корея Республикасининг Президенти.

ҒАЛАБАНИ БИРИНЧИ КУНДАНОҚ ҲИС ЭТДИК

Атлантадан журналист Сафар Остонов «Ўзбекистон овози» учун махсус хабар қилади:

Бутун дунё спорти пойтахтига айланган Атланта шаҳри байрам руҳи билан яшамоқда. Ҳамманинг юзида қувонч, ҳаяжон. Кўчалар, майдонлар, одамларга лиқ тўла. Атлантада 3 миллион аҳоли яшайди. Олимпия ўйинларига эса 2,5 миллион киши келган. Америкаликлар меҳмонларни қувонч билан кутиб олишяпти. Мезбонлар олимпия ўйинлари юқори савияда ўтиши учун қўлларидан келганча ҳаракат қилишяпти. Ҳар бир қадамда очиқ чеҳраларга, хушмуомала одамларга дуч келасиз. Ҳамма бир-бирига табассум билан қарайди, ҳамма бир-бирига фақат яхшилик тилайди. Атланта олимпиада ғояларига, дўстлик, ёшлик руҳига, гўзалликка чулғаниб яшамоқда.

Олимпия ўйинларига келган ҳар бир спортчи ғалаба ҳақида ўйлайди. Бинобарин, ҳар бир мамлакат ўз вакилларидан хушхабар кутади. Ўзбекистон ҳам ўз фарзандларидан қувончли хабарлар кутмоқда. Буни олимпиадада қатнашаётган ҳар бир ватандошимиз яхши англаб турибди. Биз ғалабани Атлантага келган биринчи кунданоқ ҳис этдик. Шаҳар марказида, матбуот маркази рўпарасидаги майдонда Олимпия ўйинлари қатнашчилари бўлган мамлакатлар байроқлари қаторида Ўзбекистон байроғини кўриб қалбимиз ғурурга тўлди. Марказий Олимпия стадионида Ўзбекистон байроғи ҳам мустақил мамлакатлар байроқлари қаторида ҳилпираб турганини кўриб фахрланиб кетдик. Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимида спортчиларимиз байроғимизни баланд кўтариб майдонга кириб келишганида қувончдан кўзларимизга ёш қалқиди. Биз мустақил мамлакат сифатида ёзги Олимпия ўйинларида биринчи марта қатнашяпмиз. Ана шунинг ўзи биз учун катта синовдир.

Ёзги Олимпиада ўйинларида жами 197 мамлакат вакиллари иштирок этяпти. Айрим мамлакатлардан бир нафардан спортчи қатнашса, Афғаонистондан 3, Албания, Бахрейндан 5 нафар, Коста-Рика 11, Тожикистон 9, Таиланд 38, Туркия 54, Грузиядан 36 нафар спортчи қатнашмоқда. Жонажон Ўзбекистонимиздан эса 76 нафар спортчи олимпиадага келган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, республикамиз вакиллари спортнинг фақат якка кураш турларида қатнашадилар. Мусобақаларда дунёнинг етакчи мамлакатлари — Германия, Франция, Буюк Британия, Япония, Италия, Россия ва Кореядан ўртача 300-400 нафар спортчи қатнашяпти. АҚШ спортчилари сони ҳамманикидан кўп — 664 нафар. Республикамиз вакиллари дунёнинг ана шу кучли спортчилари билан тенгма-тенг кураш тушишга шайланмоқдалар. Дастлабки мусобақаларда мерганчи-спортчимиз Шуҳрат Аҳмедов 19-ўринни эгаллади. Боксчиларимиздан Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Руслан Чагаевларнинг омади чопмади. Муҳаммадқодир кескин курашда америкалик боксчига ютқазиб қўйди. Руслан Чагаев ҳам германиялик боксчига бас келолмади.

4х200 метрга эстафетали сузишда республикамиз вакиллари 12-ўринни олишди. Гимнастикачиларимиздан Оксана Чусовитина кўпкурашнинг мажбурий дастури бўйича 103 спортчи ўртасида 21-натижани кўрсатди. Асосий курашлар ҳали олдинда. Бинобарин, юртдошларимиз олимпиада ўйинларида муносиб ўринларни эгаллашларига ишончимиз комил.

ҲАРБИЙ МИССИЯ ТУГАЙДИМИ?

Вице-Президент Альберт Горнинг айтишича, АҚШ ҳарбий қўшинлари шу йилнинг охирида Босния ҳудудидан чиқарилади: «Бизнинг мўлжалимизга кўра, — деди у ўз сўзида, — АҚШ ҳарбийларининг Босниядаги миссияси шу йилнинг охирида тугайди». НАТО вазирлари эса бу муддатнинг яна чўзилишини исташларини яширмаяптилар.

ЕР СИЛАКИНДИ

Индонезиянинг Денпасар шаҳри, яъни сайёҳлар оролчасининг пойтахти Балида якшанба куни 5,5 балли ер силкиниши қайд этилди. Антара ахборот агентлигининг маълумотига кўра, қурбонлар ёки бахтсиз ҳодисалар рўй бермади.

САЙЁҲЛАРГА ҲУЖУМ

ЕТА деб шартли қисқартма ном олган баскчи-сепаратистлар гуруҳи Испания пойтахти Мадридда олиймақом меҳмонлар учун мўлжалланган меҳмонхоналардан бирига портлаш қурилмаси ўрнатди. Полиция 500 меҳмонни шошилинч бошқа жойга кўчириб, қурилмани зарарсизлантирди. Профилактика ишларига қарамай, дарё бўйидаги Дельфин Парк меҳмонхонасида рўй берган портлаш оқибатида кўпчилик азият чекди. Азият чекканларнинг аксарияти Британия сайёҳларидир.

АВТОБУС ҲАЛОКАТГА ЙЎЛИҚДИ

Шотландиянинг Глазго шаҳрида Шимолий Ирландиядан келган асосан кекса ёшдаги 50 нафар сайёҳ-меҳмонларни олиб елиб бораётган автобус дарё соҳилидан қўйироқда ҳалокатга учради. Ҳалокат рўй берган пайтда автобус Старнеар порт паромида бораётганди. Ҳайдовчи ва бир неча йўловчилар касалхонага ётқизилди. Уч нафар йўловчи жиддий жароҳатланган.

(ЮСИА — ТУДЕЙ ахборот агентлиги).

Муҳаррир минбари

КЕНГ ДУНЁ САРИ УЛУҒ ЙЎЛ

Ўзбекистон — Ватаним улкан чинорга ўхшайди. Унинг илдизи минг йилларнинг қат-қатига сингиган бўлса, бақувват шохлари осмон юксакликларига уланиб кеттан. Бу чинор илдизлари жуда чуқурдаги оби-раҳматта етганки, шундан унинг шохлари мудом ўсиб боради. Яъни, юртимнинг бугунги камолида тарих билан келажак мужассам.

19 июль куни Асакада оламшумул воқеа рўй берди. Ўша куни бу ерда одатдагидек анча барвақт тонг отди. Шаҳарчада ёниб турган минглаб чироқлар субҳидамни уйғотиб юборган эди. Бу тонгни нафақат куннинг оддий давоми, балки улуғ Куннинг бошланиши, Ўзбек Давлатининг салмоқли тарихидаги буюк ўзгаришлардан бирининг ибтидоси деса дегуликдир. Ўзбекнинг бу кичик шаҳрига эрталабданоқ дунёнинг тўрт томонидан яхши ниятли одамлар оқиб кела бошлади. Эҳтимол, шу пайттача Асакага ўхшаш шаҳарларимиздан ҳеч бирига бир кунда бу қадар кўп хорижликларнинг қадами етмагандир.

Ўзбекистонни дунёга танитадиган воқеалардан бири шу заминда — Асакада рўй берди. Бу ерда «ЎзДЭУавто» Корея-Ўзбекистон қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бу корхона ўзининг кўриниши, қуввати, ишчи-хизматчиларга яратилган шароитлари билан, хулласи, ҳеч бир жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг шу турдаги корхоналаридан қолишмайди. Унинг улкан цехларини айланар эканмиз, кўнглим фахру ғурурга тўлади. Ахир, юртимиз буюк ўзгаришлар бўсағасида турганини ўз кўзим билан кўриб турибман. Бу корхона шунчаки бир иншоот ёки қурилма эмас. Балки ўзбек халқининг илм-фани, ақл-заковати, қудрату ҳамдўстлигининг тимсолидир.

Корхонанинг очилиш маросимида Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири жаноб Ким Ток Ленг шундай деди: «Президент Ислом Каримовнинг фаол раҳбарлиги остида мамлакат бозор иқтисодиётини яратиб ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириб, жаҳонда катта обрў-эътибор топди. Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб мамдаиятларини ўзлаштирган ҳолда жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бормоқда». Дунёга таниқли давлат арбобининг бу самимий эътирофи ўзбекистонликман деган ҳар бир кишини ҳаяжонлантирмасдан, ғурурлантирмасдан қолдирмайди.

Мана, мустақиллигимизнинг беш йиллигини нишонлаш бўсағасида турибмиз. Инсоф билан айтганда, бундан беш йил олдинги даврда ҳам халқимиз ўзининг шундай имкониятларини намоён эта олармиди? Аксинча, совет тузуми Ўзбекистонни қолоқ, аграр ўлка сифатида тутиб туришдан манфаатдор эди. Юртимиз улкан империянинг хом ашё базасига айланиб қолганди. Биз ўзимиз етиштирган пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш имконига эга эмас эдик. Оғир саноат ва машинасозлик эса Ўзбекистон учун мутлақо нолойиқ кўриларди. Гўё, оғир саноат, машина ва машинасозлик ўзбекларнинг қўлидан келмайдиган иш деб қараларди. Замонавий автомобиль ишлаб чиқариш заводи Ўзбекистон учун орзу эди, холос.

Мустақиллик аввало бизга ўз кучимизга ишончни берди. Биз қишлоқ хўжалиги, оғир ва енгил саноат, машинасозлик ва самолётсозлик, электрон ҳисоблаш техникаси сингари энг нозик соҳаларда ҳам анча илгарилаб кетдик. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ўз ҳисоб-китоби, ўз сонсаноғини қўлига олди.

Мутахассисларнинг айтишича, бундай катта миқёсдаги қўшма корхона ҳеч бир жойда шундай қисқа вақтда иш бошламаган. Мунтазам ишлаб турган конвейерлардан «Тико», «Дамас», «Нексиа» автомобиллари узлуксиз чиқиб келмоқда. Мазкур корхона миқёси ва қуввати жиҳатидан Марказий Осиёда ягонадир. Энди чиндан ҳам ҳар бир ўзбекистонлик машина миниб юрадиган замон келди. Бу юртимизда бўладиган чинакам фаровонлик, мўл-кўлчиликдан нишонадир. Бу мўъжизавий воқеа мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги муҳим қадам бўлди. Чунки, Ўзбекистоннинг дунёга, жаҳон бозорига чиқиши учун яна бир катта йўл очилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жонбозлиги билан қурила бошланган «ЎзДЭУавто» эндиликда мамлакатимиз хазинасига хорижий валюта келтира бошлади. Бундан ташқари, минглаб одамлар иш билан таъминландилар.

Бутун дунё мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, илмий-техник потенциалига қизиқиш билан қарамоқда. Кореянинг кўмаги билан ўзбек миллий автомобилсозлик саноатига асос солинди. Бу воқеа Ўзбекистоннинг мустақиллик тарихида энг ёрқин, энг унутилмас воқеа бўлиб қолади. Бундан ҳар бир ватандошимиз чин маънода фахрланса арзийди. «ДЭУ» деганининг маъноси «кенг дунё», дегани экан. Бу Ўзбекистон ўз автомобили билан кенг дунё йўлига тушди демакдир.

Бу йўл Ўзбекистонни энг ёруғ келажаклар сари олиб боради. Асрлар давомида улуғ карвонлар ўтиб қайтган Буюк Ипак йўли изларида Ўзбекистон автомобиллари диёримиз довруғини Шарқ Ғарб, Шимолу Жанубга таратади. Ўзбекистоннинг шуҳрати оламга ёйилади. Биз бугун Асака автомобиль заводида тайёрланган бежирим автомобилларимизга ўзимиз ҳам маҳлиёмиз. Эртага бутун дунё мустақил ватанимизга маҳлиёлик нигоҳи билан қарайди. Амир Темур асос солган миллий давлатчилигимиз пойдеворига «ЎзДЭУавто» сингари завод ва фабрикалар мустаҳкам тамал тоши бўлиб қўйилмоқдаки, янгидан қад ростлаётган Ватанимиз биносига энди на бўронлар, на тўфонлар кор қила олади. Ўзбекистоннинг иссиқ қуёши, сахий замини, серунум тупроғи бор бўлса, энг муҳими, диёнатли, мард, танти, айтган сўзининг устидан чиқадиган халқимиз омон, юртимизда тинчлик барқарор бўлса, Ўзбекистоннинг қадди тоғлардан-да юксалиб бораверади.

"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги"га бағишланган танловга

3. ИМОНИМ, ВИЖДОНИМ, ДОСТОНИМ – ШУ ВАТАН

КЎНГИЛ ТИЛАГАН МАҚСАД...

Андижон каналининг нарёғида — Балиқчи туманидаги «Наргиза» фирмаси чойхонаси олдида Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгаши бўлим бошлиғи Носиржон Саидкамолов билан дийдор кўришдик. Водийнинг жануби-шарқида жойлашган, Бобурнинг «Анда жоним қолди менинг» дея куйлаган малика шаҳар сари юз тутдик. Туманнинг сўлимгина қўғирчоқ шаҳарчаси Чинободдан ўтарканмиз, равон йўллар ҳар икки ёғида ястаниб ётган кенг далалардаги бош тортиб турган тилла бошоқларга кўзимиз тушади. Қизиқ, барча далалардаги тилла бошоқлар фақат бир томонга — қибла сари бош эгиб тургани кишини ажаблантиради. Бу ҳам ризқ-рўзимиздаги, ўзбекона камтарлик нашидаси бўлса керак.

Ҳамроҳим суҳбатидан: Ўтган йили 55 минг 953 гектар майдонга бошоқли дон, шундан 55 минг 243 гектарига буғдой экилган. Ризқ-рўз бунёдкорлари 240 минг 964 тонна дон, шу жумладан, 238 минг 342 тонна буғдой ҳосили олдилар. Ҳосилдорлик ўртача 44 центнерни ташкил этди. Бу йилги ҳосил учун 82 минг гектар ғалла экиб, тўла ундириб олишга эришилди.

ПЛЁНКА ОСТИДАГИ ҒЎЗА

Далалар сеҳри вужудимни шундай банд этганки, вилоятнинг Олтинкўл туманига кириб қолганимизни сезмабман. Олтин далалар бирданига яшнаб ўсаётган кўм-кўк пахта далалари билан алмашди. Баравж ривожланаётган ғўзалар эътиборимни жалб этди. Ғизиллаб бораётган машинани тўхтатиб, ундан тушдим. Экин атрофида гирдикапалак бўлиб юрган отахон олдига бориб саломлашдик. Ота ўзини «Намуна» жамоа хўжалиги сувчиси Ўришали Юсупов деб таништирди. Мен ғўзанинг бунчалик шитоб билан яшнаб ўсаётганининг сабабини суриштирдим.

— Бу далаларга машҳур пахтакор Сиёсатхон Абдуллаева бошчилик қилади, — дея гап бошлади отахон. — Ўтган йили чигитни плёнка остига экишни тажриба қилиб кўрган эдик. Меҳр билан ишладик. Меҳнатимиз кузда самара берди. Ҳосилдорлик очиқда экилган далалардагидан анча ортиқ бўлди. Шундай қилиб, янгиликка ишонч ва умид уйғонади. Бу усулнинг «сир»ларини сал тушуниб олгач, бу йил яна қўллаб, 26 гектар ерга чигит қададик. Мана, ниҳоллар бугунги кунга келиб тиззага урадиган даражада, тўкис гул кўрсата бошлади.

Мамлакатимиз пахта усталари деб танилган андижонликлар ўтган йили хирмонга 345 минг 995 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўккан эдилар. 1995 йил иқлими турлича бўлган ҳудудларда тажриба тариқасида плёнка остида ғўза ўстиришди. Янги технология кўпчиликка маъқул тушди. Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг Сиёсатхон Абдуллаева бошлиқ 9-бригадасида эса 13 апрель куни плёнка остига экилган пахта 53 центнер ҳосил берди. Бригада 19 сентябрда режани бажарди. Плёнка остига экилган ғўзанинг очиқ майдондагисидан афзалликлари кўп экан. Чунончи, ҳосилдорлик юксак, етиштирилган пахта юқори навларга сотилади. Муҳими, кам меҳнат ва кам маблағ талаб қилади. Бор-йўғи икки марта суғорилди. Қатор ораларига ишлов бериш ҳам икки баравар камайди. Ягана ҳам, чопиқ ҳам қилинмайди. Харажатнинг ўзидан гектарига 2700 сўм иқтисод қилинди. Яна муҳими, сентябрь ойида ҳосилни тўлиқ йиғиштириб олиш имкони мавжуд. Бундан фойдаланиб, октябрнинг биринчи ярмида майдонларни ғўзапоялардан тозалаб, ўрнига буғдой экиш мумкин. Олинган натижаларга таяниб, плёнка остига ғўза экиш усулини оммалаштириш мақсадида С. Абдуллаева бошлиқ бригада негизида тажриба мактаби ташкил этилган.

ГИГАНТ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИДА

Андижон республиканинг йирик саноат шаҳарларидан бири, 150 га яқин саноат корхоналари бор. Кичик корхона ва ширкатлар сони икки мингдан кўп. Вилоятда ўттизга яқин қўшма корхона бўлиб, Асака шаҳрида бунёд этлган «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ана шулардан бири.

Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан барпо бўлган ушбу корхона шу йилнинг март ойида «Дамас» русумли автомобиллар ишлаб чиқара бошлаганди. Июнь ойининг ўртасида эса улкан саноат гигантида «Тико» русумли автомобиллар тайёрловчи линия ишга туширилди. Куни кеча эса мазкур қўшма корхонанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тарихда зарҳал ҳарфлар билан битиладиган ушбу воқеанинг жонли гувоҳи бўлганлигимиз билан фахрланамиз. Корхонада энг замонавий техника ускуналари билан жиҳозланган ишлаб чиқариш цехларида қилни қирқ айирадиган «доно» темир панжали роботларни ўзбекистонлик ишчилар бошқаряпти! Синаш майдончаси сари елдек учаётган машиналарга боқиб тўймайди кўзинг.

Табиат ҳам шу куни жонажон Ўзбекистонни табриклаб, Асака осмони устида енгил шабадали, салқин, майин ҳавосини сақлаб турди. Чор тараф ёғ тушса ялагудай, шинам, озода.

— Марказий Осиёда биринчи бор ишлаб чиқарилган бу енгил машина ҳозирдаёқ мамлакатимизнинггина эмас, балки жаҳондаги кўпгина автомобиль ишқибозларининг диққатини жалб қилди, — дейди «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқариш директори Дём Бэ Сон.

Тарихий воқеалар силсиласида Андижон кўчаларини кезаман. Кейинги вақтда барпо этилган, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган теннис клуби кошонаси, Алишер Навоий боғидаги ёзги эстрада саҳнаси, ёзги театр биноси, Қаҳрамонлар хиёбони — буларнинг бари ўзининг такрорланмаслиги, нодирлиги, кўркамлиги билан ажралиб туради. Халқимизнинг улуғ фарзанди, бетакрор шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ватанида ўз қадру қимматини топмоқда. Унинг номидаги кўп муассасалар, жойлар ободонлаштирилиб шаҳар файзига-файз қўшмоқда. Ана шундай сайлгоҳлардан бири Боғишамолда барпо бўлган Бобур миллий боғидир. 300 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган дам олиш масканининг қиёфаси кейинги йилларда беқиёс даражада ўзгариб кетганлигини фахр билан гапиришади андижонликлар.

Кўнгли тилаган муродига етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Ҳар иккиси гар муяссар ўлмаса,
Бошини олиб бир сорига кетса киши,

дея нолиган эди ҳазрат Бобур ўз давридан. Мана энди мустақиллигимиз туфайли унинг ўйлаган мақсади ўз рўёбини топди, халқи эркин ҳаёт қўйнида тинчлик, барқарорликда фаровон турмуш қуриш ишқи билан банд.

Андижон ҳақидаги таассуротларимни Бобур миллий боғининг кўксида қад ростлаган «Бобур ва жаҳон маданияти» музейидаги «Хотира китоби»нинг биринчи саҳифасини безаб турган юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари билан ниҳоялашни лозим топдим:

«Бобур Мирзо номи билан аталмиш миллий боғнинг шоир рамзий мақбараси ҳамда «Бобур ва жаҳон маданияти» музейининг барпо этилиши — халқимиз тарихида янги, озодлик замонига қадам қўйилганидан яхши бир муждадир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади. Қадимий Андижон халқининг бу каби савобли ишлари кўпайсин ва бошқа ватандошларимизга ибрат бўлсин».

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Илму ҳикмат сувни ёндирар

Яқинда матбуотда Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар рўйхати эълон қилинди. Улар орасида Ўзбекистон Фанлар академияси Ўғитлар институтининг бир гуруҳ олимлари ҳам бор. С. У. Усмонов, Г. И. Иброҳимов, Ш. С. Намозов, С. Тўхтаевларнинг «Янги ўғит ва дефолиантларни ишлаб чиқариш ва уларни саноат ва қишлоқ хўжалигида жорий этилиши» мавзуидаги илмий кашфиётлари мазкур мукофотга муносиб деб топилди.

Маълумки, мамлакатимизнинг экин экиладиган ерлари таркибида йилдан-йилга мўл ҳосил олиш учун зарур бўлган кимёвий озиқавий — элементлар озайиб бормоқда. Бунинг ўрнини тўлдириш, яъни тупроқни доим серунум даражада тутиб туриш учун олимларимизнинг илмий кашфиёти ва унинг амалиётга татбиқ этилишини давр талаб қиларди. Мазкур иш ана шу эҳтиёж туфайли юзага келди. Айни пайтда қишлоқ хўжалигидаги катта муаммолардан бири шуки, пахта далаларимизда кўп йиллардан бери дефолиант сифатида киши саломатлигига ўта зарарли бўлган фосфор органик препарати — бутифос ишлатиб келинарди. Кейинги йилларда бу препаратнинг инсон саломатлигига, табиатга келтирган катта зарари ҳисобга олиниб, уни амалда қўллаш маън этилди. Ҳозирда аксарият пахта майдонларида дефолиант сифатида магний хлорад қўлланиб келинмоқда. Бу препаратнинг асосий камчилиги пахта баргини яхши тўкмаслиги ва ғўзанинг тепа қисмидаги ривожланаётган кўсакларни куйдириши-

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИДА БИРИНЧИ

бўлиб ўзбек олимлари таркибида фтор элементи бўлмаган фосфорли ўғитлар тайёрлаш технологиясини яратдилар.

дир. Бу муаммони ҳал этишни биз сўз юритаётган олимлар гуруҳининг илмий иши ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Биз мазкур ишнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беришни мамлакатимизда ўғитлар соҳасида етакчи олим, ЎзФА мухбир аъзоси Борис Бегловдан сўрадик.

— Институтимизнинг бир гуруҳ муаллифлари томонидан яратилган бу иш ўғит саноати ва қишлоқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эга. Жаҳон тажрибасида биринчи бўлиб таркибида фтор элементи бўлмаган фосфорли ўғитлар тайёрлаш технологияси яратилди. Экологик аҳамияти жиҳатидан бу ўғитнинг келажакдаги истиқболи жуда каттадир. Бундан ташқари, ўз таркибида кальций ва олтингугурт элементлари бўлган **«УФАКС»** туркумли ўғитлар, сульфоаммофос, донадор аммоний сульфат технологиясининг илмий асослари яратилди. Бу ўғитларни ишлаб чиқаришдан республика халқ хўжалигига тушадиган иқтисодий самарадорлик 285 миллион сўмни ташкил этади. Ишлаб чиқарилган янги ўғитлар ва дефолиант «СИҲАТ» нафақат Ўзбекистон, балки Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон Республикаларида ҳам кенг қўлланилди ва юқори самарадорлигини кўрсатди.Жаҳон амалиётида биринчи бўлиб юқори сифатга эга бўлган карбамид ва камзарарли дефолиант «СИҲАТ» технологияси яратилди. Янги ўғит ва дефолиант сифат жиҳатидан жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради. Бу иш муаллифлари С. Усмонов, Ш. Намозов, Э. Тўхтаев нафақат республикамизда, балки МДҲ давлатларида ҳам ўғит технологияси соҳасидаги таниқли олимлардандир. Олмалиқ «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Г. Иброҳимов эса жуда катта ташкилотчи ва бу янги технологияни саноатда жорий этишда рахбарлик қилди.

Биз ўғитлар технологияси соҳасида етакчи олимларимиздан бири бўлган Фаттоҳ Мирзаевдан Ўғитлар институтининг жамоа олимлари иши ҳақида ўз фикрини сўрадик.

— Мен бу олимлар томонидан яратилган иш билан илгариндан, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояларидан буён яқиндан танишман. Бажарилган иш саноатда ҳам, қишлоқ хўжалиги амалиётида ҳам замон талабига жавоб беради. Бундан аввал ҳам кўпгина янги ўғитлар ва дефолиантлар технологияси шу олимлар томонидан яратилган. Мазкур ишнинг илмий натижалари яқинда топилган Марказий Қизилқум фосфоридларининг таркибини аниқлаш, ундан юқори сифатли фосфорли ўғитлар олиш технологиясини яратиш ҳамда уни саноат ва қишлоқ хўжалигига жорий қилишда, мамлакатимизнинг агросаноат мажмуини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Бухоро вилоятидаги «Лоша» «Ўзагрохимсервис» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Владимир Юсупов мукофотга тақдим этилган иш ҳақида шундай деди:

— Бухоро вилоятининг кўпгина туманларида ЎзФА Ўғитлар институти олимлари томонидан яратилган технология асосида Олмалиқ «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқилган янги ўғитлар: «УФАКС», концентрланган суперфосфат, сульфоаммофос, сульфат аммоний кенг равишда жорий этилди. Бу ўғитлар юқори самарадорликка эга. Бухоро вилояти қишлоқ хўжалигида яратилган янги ўғитларга бўлган талаб катта. Бизнинг минтақамиздаги шўр тупроқли ерларда бу ўғитларнинг аҳамияти беқиёс. Бинобарин, мазкур олимлар томонидан яратилган иш саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам энг кўп самара келтирадиган илмий кашфиётлардан бири бўлиб қолади.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАРҒОНА МАРМАРИ

Иқтисодиёт олами

Ўзбекистон мармарга бой юрт. Зеро, Фарғона водийсида ҳам мармар конлари борлигини кўпчилик билмасди. 2-3 йил аввал Сўх дарёси ўзанини тартибга солиш чоғида Сурат тоғининг бир қисмини ковлаб, харсангларни дарёга туширишга тўғри келди. Тоғнинг уч қават қобиғи ёриб ўтилгач, мармар қатламга дуч келинди. Мутахассислар таклиф қилинди. Маълум бўлишича, бу ерда катта мармар қатламлари бор экан.

Кўп ўтмай мармар қазиб олиш бошланди. Ўтган йил августидан бери олти минг кубометрдан кўпроқ мармар тайёрланди. Мутахассислар фикрига қараганда Сўх мармари кулранг, тўқ кулранг, оч кулранг ва табиий безакли тусларда жилоланади. Мазкур кон асосида Қўқонда мармар заводи ишга туширилади. Ҳозир 153 минг квадрат метр мармар ишлаб чиқарадиган корхона фойдаланишга топширилиш арафасида. Янги мармар иссиқ-совуққа чидамли бўлиб, ундан тўрт хил рангдаги бўёқлар, медицина гипси, қурилиш ганчи ва безак маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Шу йилнинг ўзида лак-бўёқ корхонаси ҳам қурилади. Самарқанд, Ғозғон маҳсулотларидан қолишмайдиган Фарғона мармари ҳам мустақиллик биноларига кўрк бағишлайди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТЛАРДА: Қўқондаги ип-йигирув ва пайпоқ тўқув ҳиссадорлик жамиятининг бир куни.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ОИЛАЛАРГА ИЖТИМОИЙ МАДАД

НУКУС. Қорақалпоқ диёри шаҳар ва туманларида кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўтган ярим йилида ана шундай оилалардан 50 мингдан кўпроғига 79,9 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Ёшу қари истиқлол шарофатидан бениҳоя мамнун.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ОИЛА ШАЪНИ

АСРИМИЗ БОШИДА...

Менинг икки тоғамдан биттаси йигирманчи йилларда уйдан чиқиб кетганча, бедарак йўқолган. Сабаби...

Тоғамни иззатли бир хонадоннинг қизига уйлантиришади. Келин кўркам, хушрўй экан-у, овози йўғонроқ, ўғил болаларникига ўхшаб кетадиганроқ экан. Тоғам унинг овозига кўнгилсиз бўлиб, тўйдан кейиноқ уйига қайтариб юборишларини ота-оналаридан сўрай бошлабди. Лекин бобом тоғамнинг бу гапларини эшитишниям истамай: «Бекорни айтибди, шу келин билан яшайди. Бундан яхшисини тополмайди», — деб нуқта қўяркан. Бирмунча вақт тоғам уйга кириб-кирмай юрибди. Кўнгил-да, барибир:

— Келинларингизнинг умри бу ерда бекорга ўтмасин, отасиникига жўнатиб юборинглар, — деб талаб қилаверибди.

Шунда бобом:

— Мен келинни қайтариб олиб бориб қўйиш учун олдирмаганман, у шу ерда яшайди. Агар буни истамаса, Комилқори (тоғамнинг исмлари)нинг ўзи чиқиб кетаверсин, — деб юборибдилар.

Бобом раҳматли бу гапни айтгандан кейин ўғиллари ҳақиқатан ҳам уйдан чиқиб кетиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган бўлсалар керак. Бировнинг боласи ҳам ўз фарзандлари каби азиз, унинг тақдири ҳам ўйинчоқ эмаслигини таъкидлаш учун сиёсат қилиб сўзлаган бўлсалар керак. Лекин шу гапдан кўп ўтмай, тоғам уйга қайтиб келмаганлар. Ўша пайтда Ватанимиз тупроғини совет қатағони боис ташлаб қочиб кетишга мажбур бўлган ҳамюртлар билан чет элларга ўтиб кетганмилар ёки бирон бахтсиз ҳодисага учраганмилар — буниси худога аён.

Аммаю холаларим, тоғаю амакиларимни таниб бошлаган пайтимдан онам бу армонли воқеани кўп айтиб берганлар.

...ВА АСРИМИЗ ОХИРИДА

1988 йилнинг ёзи эди. «Саодат» журналида ишлардим. Жуда чиройли ёш аёл қўлида чақалоғи билан кириб келди. Суҳбатлашдик. Пойтахтдаги институтлардан бирида ўқиркан. Ўз курсдоши унга муҳаббат изҳор қилибди. Қиз ҳам уни чин дилдан севибди, оила қуришга аҳдлашибдилар. Ва... ётоқхонада тўйсиз, никоҳсиз бирга яшайверибдилар. Қиз ҳомиладор бўлиб қолибди, йигит тез кунларда тўй қиламиз, деб ишонтираркан. Ниҳоят, йигитнинг ота-онаси келишибди. Лекин улар «ошиқ» йигит қизни неча бор онт ичиб ишонтирганидек, қизнинг уйига совчиликка боришмабди. Ўғилларини ўз юртларига олиб кетиш тараддудига тушибдилар. Орага бошқа талабалар, домлалар, декан аралашибди. Ота-оналар ноилож жамоатчиликнинг талаби билан йигит ва қизга шу ернинг ўзида тўй қилиб берибдилар. Ёшлар қонуний никоҳдан ўтибди. Ўтибдилар-у, эртасига ота-она ўз ўғилларини олиб ўз она юртларига жўнаб кетишибди. Яқин кунларда кўзи ёриши керак бўлган қизга курсдошлари ёрдам бериб туришибди. Вақти соати етиб чақалоқ — ўғил туғилибди. Уни туғруқхонадан курсдошлари олиб келибди, чунки зудлик билан юборилган телеграммага қонуний ота томонидан бир садо ҳам бўлмабди-да.

— Мен чақалоғим билан Хоразмга бормоқчиман, балки болани кўриб уларнинг меҳри уйғонар, — деди она. — Бир илтимос билан келдим. Нотаниш жойда бола билан қийналиб қолмаслигим учун, райкомдагиларга битта хат қилиб берсангиз...

«Саодат» журнали номидан: «Мана шу аёлни тинглаб, имкон қадар кўмаклашсангизлар», — деган хат ёзиб бердик.

Орадан тўрт кун ўтди... Чақалоғини кўтариб ўша чиройли ёш аёл яна кириб келди.

— Ҳа, бормадиларингми? — деб сўрадим кўрибоқ.

У вазмин жилмайиб жавоб қилди:

— Бордик ҳам, қайтиб келдик ҳам...

Кейин «куёв»нинг юртида бўлиб ўтганларни сўзлаб берди. Райкомдагилар чақиргач, куёвнинг онаси холаси билан келибди. Хола қизни ҳақоратнинг ҳамма турлари билан беармон сийлабди.

— Йигит-чи, унинг ўзи нима дейди? — деб сўрадим.

— Бир пайт у отаси билан келди. Куёвим ўғлига қараганиям йўқ.

Тўғриси, ота-онаси бунга имкон бермади. Отаси иккаласи ўша куни кечқурун чақалоғим билан мени меҳмонхонага жойлаштириб, уйларига кетишди. Меҳмонхонада иссиқ сув тугул, совуқ сув ҳам йўқ экан. Овқатсиз... бир амаллаб тонг отгирдик. Эртасига отаси билан яна бирга келишиб, қайтишимга билет ташлаб кетишди...

Ажаб, бу қадар бемеҳрликни кўриб, кутилмаган руҳий изтиробни бошдан кечириб келган аёл аввалги учрашганимиздагидан дадилроқ, ўзини тутиб олганди. Мен уни тушунишга уриниб кўрдим: шу-унча муҳаббат изҳорлари, оташин ваъдалар билан қизнинг ишончини қозониб олгач, отасининг пинжига, соясига беркиниб олиб, ўз пушти камаридан бўлган боласига бир нигоҳ ташлашгаям журъати етмаган йигит учун куйиб-ёнмоқ беҳуда эканлигини англаб етганмиди?..

Albatta, шундай бўлишига аввало қизнинг ўзи айбдор, дегувчилар оз эмас. Бу фикрга заррача эътирозим йўқ, мен қизни ҳеч қачон бегуноҳ жабрдийда демаганман. Бироқ... тавба деб гапирайлик, ўша қизнинг ўрнида қай биримизнинг қондошимиз алданган бўлсачи? «Мен оила шаънини ерга урган қизни ундоқ қилиб ташлайман, бундоқ қиламан...» — дейди кимдир. Жаҳл, жаҳолат устида гуноҳкорга жазо бериб, ўзи ҳам гуноҳи азимга ботганлар оз эмас. Лекин шу билан дунё тозариб қоладими? «Йигитчилик-да!» — дейди кимдир. Қанийди, тантилик, мағрурлик, ўз аҳдига вафодорлик, ўктам фидойилик каби фазилатларнинг бош ёрлиғи «йигитчилик» бўлса!

Муҳтарама УЛУҒ.

Муносабат

ТИНЧ ВА КЎРКАМ МАҲАЛЛА

БУХОРО. Қадимий шаҳарнинг 2500 йиллик юбилей муносабати билан шаҳар ҳокими «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлимини ташаббусини маъқуллаб, танлов ўтказишга аҳд қилди. «Энг осойишта ва обод маҳалла» кўрик-танловининг якунлари октябрь ойида чиқарилади. Ғолибни белгилашда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, экологик вазият, қадимий анъаналарни тарғиб қилиш каби жиҳатларга эътибор қилинади. Ғолибларга битта 7 минг, 2 та 5 минг сўмлик мукофот ажратилган.

Даврон БАҲРОНОВ.

Мактуб йўлга чорлади

ШИКОЯТДА ЙЎҚ ЭДИ, АММО...

Ушбу шикоят хати Чироқчи туманига бориб, атрофлича ўрганилганда, яна эски ҳақиқат қалқиб чиқди: ўзаро баҳслашаётганлар ҳаёт тақозо этаётган масала ҳақида қайғуришни унутиб қўйишган экан. Ваҳоланки, бу туманда энг жиддий муаммо бўлиб турибди...

Туя ўркачидек адирлар бағридаги кўримсиз иморатга келган кунимизда ҳали сўнгги қўнғироқ жарангламаган, хоналарда ёш, шавққа тўла овозлар янграётган эди. Дастлаб, тўкилай деб турган бинони кўздан кечириб, машғулотлар билан танишишга фурсат етмади. Мактаб раҳбарининг тор ва зах ҳиди анқиб турган хонасида нохуш суҳбат бошланди.

Биз келган «Бешчашма» хўжалиги ҳудудидаги Қаюм Абдуллаев номли 70-ўрта мактаб ўқитувчиси Қаландар Бекмуродов республикамиздаги турли юқори ташкилотларга шикоят йўллаган экан. Жумладан, рўзномамизга юборган хатида «маълумотлар «атрофлича текширилмаганлиги», «7 ойдан кўпроқ вақтдан бери ишсиз ва маошсиз юрганлиги»ни, таъкидлаб, адолат талаб қилган.

— Мактабда ишлаётган 55 нафар ўқитувчининг орасида Қаландар Бекмуродов энг интизомсизи, — дейди қатъият билан мактаб раҳбари Бозор Бекназаров. — Сиртдан қаердадир ўқийман дейдию, чақирув қоғозини кўрсатмайди. Хоҳласа ишга келади, хоҳламаса йўқ. Саккиз ойга яқин ишламай юрди. Энди айтингчи, унга қандай қилиб иш ҳақи тўлаш мумкин? Қонунни бузишга кимнинг ҳаққи бор?

— Мен ҳалол одамман, — дея эътироз билдиради Қаландар Бекмуродов. — Шу йилнинг февраль ойида ўқитилмаган 130 соат машғулот учун ўқитувчиларга ҳақ тўландику?! Яна қанча кўзбўямачиликлар бор. Мен ўқишга эмас, бир одамни ишга жойлаштириш учун Тошкентга кетувдим. Директор ишга кўймади. Ҳеч бўлмаганда, беш ойлик иш ҳақимни беришлари керак.

Можаронинг бошланишига сабаб шу. Очиғи, қишлоқ ўқитувчисига осон тутиб бўлмайди. Кўпчилик серфарзанд, ёлғиз маош билан рўзғор тебратиш қийин. Шу туфайли аксари ўқитувчилар қўшимча касб-ҳунарга эга ёки деҳқончилик, чорвачилик билан машғул. Зарурият туғилганда, ўқитувчилар бир-бирларига дарсларни ўтиш борасида кўмак бериб келишаётгани сир эмас. Бу мактабда дарслар ўтилмай қолган экан, раҳбарнинг таълим-тарбия бўйича ўринбосари Ортиқ Қораев ҳам бевосита жавобгардир. Агар раҳбар ёш ўқитувчи Қаландар Бекмуродовнинг юмуши чиққанда, рухсат берса, кейин ётиги билан иш талаб қилса, балки можаро келиб чиқмасмиди... Аммо интизомсиз ходимга нисбатан мактаб раҳбари қатъий чора кўриш тарафдори.

Қаландар ҳозир ишга қайтган. Бироқ ўзини ноҳақ қувилган ҳисоблаб, Бозор Бекназаров мактаб мулкини талон-торож қилгани, бинони таъмирлаш учун ажратилган шифер ва мойбўёқни ўзлаштириб кетгани, таълим-тарбия издан чиққани тўғрисида шикоят ёғдирмоқда. Бу маълумотларни текширган тафтишчилар, маъмурий маҳкамалар асоссиз эканлигини қайд этишган. Ўзига тегишли мотоциклни бошқаришни бошқага топшириб, бир ёш боланинг ўлимига сабаб бўлган Бозор Бекназаровни раҳбарликка нолойиқ, деб ҳисоблайди. Бу жиддий айбнома. Ушбу жиноят ишини кўриб чиққан Қарши шаҳар суди Бекназаровни жазодан озод қилган, Чироқчи туман суди бу ҳақда халқ таълими бўлимига расмий ҳужжат тақдим қилган экан. Унинг номзодига вилоят халқ таълими бошқармаси ҳам розилик билдирган. Натижада икки йилдан буён мактаб раҳбари бўлиб ишлаётган Бозор Бекназаров талабни қаттиқ қўймоқда. Болалар яхши таълим олишлари учун қайғураётган ўқитувчиларга бу талаб маъқул, айримлар эса бунга қарши. Ҳатто муаллимлардан биттаси туман халқ таълими бўлими мудирига «жанжал жонга тегди, раҳбарларни бўшатиб юборинг», деган талабни қўйди.

Ҳадеб раҳбарларни бўшатиш усули ҳамма вақт ҳам ўзини оқлайвермайди. Эпломаётган бўлишса — бошқа гап. Умуман, сўнгги пайтда туманда мактаблар фаолиятини жонлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Олайлик, Мингбой Турсунов ўн йил мактабга раҳбарлик қилганда, катта қурилишларга бош бўлди. Тўрт йил қишлоқ фуқаролар йиғинини бошқарди. Раҳбарлик тажрибаси катта бўлган Мингбой Турсунов йил бошида туман халқ таълими бўлими мудири этиб тайинланганда, кўп мактабларда шароит оғирлигини ҳам, соғлом муҳитни вужудга келтириш заруриятини ҳам яхши ҳис қиларди. Шунинг учун ҳам у амалга ошираётган бошқа тадбирлар қаторида, шикоят хатида кўрсатилмаган, можарога қўшилган ўқитувчилар хаёлига ҳам келмаган мавзуни — шароити оғир мактабларда ўқишга мажбур болалар тақдирини тилга олди. Аслида ҳам мактаб ва муносиб ўринбосарлар тарбияси ҳар қандай шахсий манфаатдан устунроқдир.

Мана шу — асабий муҳит вужудга келган, турли маҳкамаларнинг вакиллари шикоят юзасидан тез-тез ташриф буюришаётган Қаюм Абдуллаев номли мактаб аҳволига бир назар ташланг-а! 1946 йилда чимдан (ҳатто пахса эмас) тикланган бинони кўз олдингизга келтиринг-чи? Энди компьютерлар, замонавий таълим воситалари билан таъминланган ёруғ синфхоналар билан таққосланг! Йиллар юкига аранг бардош бериб келаётган эски бино, зах босган хоналар, синган, фойдаланишга яроқсиз парталар... Шу шароит таълим-тарбия борасидаги юксак талабларга жавоб берадими?

— Қарийб 35 минг аҳоли истиқомат қилаётган бизнинг «Чиял» хўжалигимиз қишлоқларидаги мактаб бинолари бундан ҳам ёмон, — дейди шу хўжалик ХДП бошланғич ташкилоти котиби Эгамберди Мирзаев, тумандаги ҳақиқий аҳвол билан танишаётганимизда. — Ўзим яшаётган Уймавут қишлоғидаги Некрасов номли мактабнинг 1957 йилда қурилган биноси деворлари қулаб тушди. Яхшиямки, фалокат юз бермади. 300 ўқувчи нари-бери жойлашадиган бинода 550 ўқувчи ўқишга мажбур. Не қилайлик-ки, илгари ҳеч ким янги мактаб қуришни ўйламаган, асосан лалми ғалла етиштираётган хўжалигимизнинг катта қурилишларга маблағи йўқ. Шунга қарамай, бу йил лоақал ҳашар йўли билан дурустроқ бино қурмасак бўлмайди...

— Мавжуд учта мактабдан 43 тасининг биноси таъмирталаб бўлиб турибди, — дейди Мингбой Турсунов. — Уларда оз эмас, — 13 минг нафар ўқувчи таълим олмоқда. Айниқса, 20 та мактаб биноси путурдан кетган. Бу иморатлардан фойдаланишдан аллақачон воз кечиш керак эдику, аммо янги мактаб қуриш осонми. Бу йил мактабларни таъмирлаш мақсадлари учун атиги 4 миллион сўм ажратилган. Парта, доскалар етишмайди. Шароити намунали мактабларимиз бор, жонкуяр мураббийларимиз етарли. Бироқ ҳаёт кутиб турмайди. Йиллар давомида кун тартибидан кейинга суриб келинаётган янги мактаблар қуриш масаласи ечимини кутмоқда.

— Бу фикрларни рад этиб бўлмайди, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Хушмурод Шодмонов. — Иккинчи — Кўқдала халқ таълими бўлимига қарашли 15 та мактаб учун ҳам янги бино зарур. Аммо маблағ қани? Ҳатто етмиш-саксон фоиз қурилиш ишлари бажарилган 4 мактабга маблағ ажратишни бу йилги режага кирита олмадик. Умуман, туманимиздаги шароити оғир мактаблар учун янги бино қуришга катта маблағ ва эътибор зарур...

Дарҳақиқат, эътибор ва жонкуярлик етишмаганлиги туфайли Чироқчи туманида ижтимоий муаммолар йиллар давомида йиғилиб қолди. **Республика ҳукуматининг 1990 йилда қабул қилган 424-қарорига асосан тараққиётдан анча орқада қолган Чироқчи туманига катта маблағ ажратилган, анча мактаб, шифохона бинолари қурилиши бошланган эди. Ана шу хайрли иш тўхтаб қолди. Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорида ҳам қишлоқ умумтаълим мактабларини реконструкция қилишни кенгайтириш ва қурилиш ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Очиғи, бу қарор-қишлоқларни жадал ривожлантириш борасидаги муҳим ҳукумат Дастуридир. Аммо бир ҳақиқатни унутмаслик лозим: ҳар қандай улуғ режанинг ҳам ташкилотчиси, ижрочиси, жонкуяри одамлардир. Ҳукумат қарорининг ижросига масъул кишилар енг шимариб ишга киришмоғи баробарида, жойларда ҳам «қачон лойиҳа тузиларкин?» «қачон қурилиш бошланаркин?», деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам ножоиздир. Амал-тақал қилиб қурилгани туфайли нураб бораётган бинолар ўрнида замонавий қишлоқ мактаблари қад кўтармоғи учун юрак ёнмоғи керак.**

Чироқчининг бепоён қирадирларига маржон донасидек сочилган қишлоқлар келгусида, албатта, обод ва кўркам бўлади. Бир пайтлар эзгу ният билан тикланган эски мактаб бинолари ҳақида ўйлар эканмиз, мана шу Дурсун қишлоғининг оқибатли одамларини қайта-қайта кўз олдимизга келтирдик. Дашт бағрида яратган боғлари ва экинзорларига зилол сув оқаётгани учун юртбошимизни алқаётган кексалар, эртага умид билан боқаётган шижоатли ёшлар, янги мактаб қуриб олишларига ишончимиз комил. Бу ҳақдаги ўйлар-мактаб остонасига тиниқ орзуларга чўлғаниб қадам қўяётган болалар нигоҳидай соф эди. Бўйлаким, бу туйғу-истиқлол эди, келажак эди, бинобарин, умидларнинг олтин бешиги-онажонимиз Ўзбекистон эди...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Тоғларда ёз.

Рустам ШАРОПОВ олган сурат.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

ВАЗИЯТНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ҚАДАМ

• НИКОСИЯ. Маълумки Кипрда узоқ йиллардан буён мураккаб сиёсий вазият ҳукм суриб келмоқда. Келишмовчиликлар ўтган йили Туркия ва Греция орасида уруш ўчилиши хавфини ҳам туғдирган эди.

Ниҳоят чорак асрдан сўнг Кипрда вазиятни енгиллаштириш йўлида илк қадам қўйилди. Яқин кунларда бу йирик оролда яшаётган турк ва грек жамоалари ҳарбий раҳбарларининг учрашуви кутилмоқда.

ЖАК ШИРАКНИНГ МУРОЖААТИ

• НАЙРОБИ. Конгода музокаралар олиб бораётган Франция Президенти Жак Ширак, агар Африка давлатлари жамиятдаги демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаб, мамлакат ичкарисидаги этник низоларга чек қўйсалар, уларга Франция ҳукумати ҳар қандай иқтисодий ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини эълон қилди.

Жак Ширакнинг бу мурожаати, этник гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувлар кескин кучайган. Африка мамлакатларининг янги демократик давлат сари ривожланиб боришида катта аҳамият касб этади.

ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИ ҚИЗҒИН

• НЬЮ-ЙОРК. «Транс Уорлд Эйрланз» авиакомпаниясининг «Боинг-747» самолёти ҳавода портлаб, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзолари билан бирга Атлантика океанига қулаб тушган эди. Миллий хавфсизлик комиссиясининг тезкор ёрдам кўрсатиш гуруҳлари пўлат қанот ҳалокатга учраган ерда қутқарув ишларини олиб бормоқда. Шу пайтгача сув қаридан 125 кишининг жасади олиб чиқилди.

ПОРТЛОВЧИ МОДДА ТОПИЛМАДИ

• ДУБЛИН. Ирландия хавфсизлик хизмати «Ольстер озодлиги учун» шиори остида курашаётган протестант экстремистлари пойтахт марказий кўчаларининг бирига ўрнатиб кетган портловчи моддани топа олмадилар. Бутун шаҳар ҳаётини издан чиқарган қидирув ишлари кеч соат олтида ниҳоясига етди. Соат саккиздa эвакуация қилинганлар уйларига қайтиб келишди, шаҳар транспорти ҳаракати изга тушди.

ТОШҚИН ҚУРБОНЛАРИ

• ПЕКИН. Муттасил равишда давом этаётган кучли тошқинлар бир қанча кўмир қазиб олинадиган шахталарни ишдан чиқарди. Биргина Гуанси-Чжуан автоном туманининг ўзида 11 киши табиий офат туфайли юз берган фалокат қурбони бўлди. Юннань вилоятида эса табиий офат яна 30 нафар кон ишчисининг ҳаётига зомин бўлди. Ўнлаб ишчилар жароҳатланган, уйларга шикаст етган.

Ҳукумат қарори билан кўмир қазиб олинадиган шахталарда ишлар вақтинча тўхтатиб қўйилди.

РАДУЕВ ТИРИК ЭКАН

• ГРОЗНИЙ. Доғистоннинг Қизилёр шаҳридаги воқеа билан бутун оламга танилган Чечен озодлик кучлари командири Салмон Радуев жангларда ҳалок бўлмаган экан. У тўқнашувда оғир яраланиб, Олмонияда даволанган. 28 ёшли Салмон Радуев, Ғарб мамлакатларининг телевидение ва радиоси мухбирлари билан суҳбатда, курашни давом эттиришини ҳамда Жовҳар Дудаевнинг ҳаёт эканлигини хабар қилди.

ДАРЁЛАР ТОШМОҚДА, БОШПАНАСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

• ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Шимоли-шарқий ҳудудларида ва Ғарбий Бенгалияда юз берган тошқин натижасида миллионлаб киши зарар кўрди.

Ташқи дунёдан бутунлай узилиб қолган Ассам штатининг бир неча ерида ҳарбий транспорт авиацияси қутқариш ишларини олиб бормоқда. Бу вилоятда табиий офат қурбонларининг сони 25 тага етди.

Ғарбий Бенгалияда Хугли ва Дамодар дарёларининг тошиши натижасида ҳозирга қадар 50 киши ҳалок бўлди.

Аруначал-Прадешда эса ўнлаб қишлоқлар вайрон бўлган. Ҳукумат ташкил қилган лагерларга юзлаб бошпанасизлар келиб жойлашмоқда. Турли хил эпидемияларнинг олдини олиш ва жароҳатланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун ҳукумат қарори билан лагерларга врачлар жўнатилмоқда.

Қисқача айтганда...

• ДУБЛИН. Польша ташқи ишлар вазири Дариуш Росати мамлакатда ядро қуроли ва чет эл ҳарбийларини жойлаштирмаслик масаласида ўз фикрини билдирди. Унинг таъкидлашича, НАТО раҳбарияти билан маслаҳатлашувдан сўнг мамлакат ҳукумати бир қарорга келади.

***

• ЗАГРЕБ. Болқон муаммосини ҳал қилишда АҚШ томонидан иштирок этаётган Ричард Холбрук Хорватия Президенти Ф. Тужман билан музокаралар олиб бориш учун Загребга келди. Музокаралар тугагач, Ричард Холбрук Сербия Президенти Слободан Милошевич билан мавжуд вазият ҳақида фикр алмашиш учун Белградга қайтади.

***

• БАЙРУТ. Чоршанба куни Дамашқда Сурия ва Ливия Президентлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Исроил давлатининг Яқин Шарқдаги янги сиёсатига араб давлатларининг умумий муносабатини белгилаш масаласи муҳокама қилинди.

***

• АЛМАТИ. Малайзия Бош вазири Махатхир Муҳаммад расмий ташриф билан Қозоғистонга келди.

Икки давлат ўртасидаги учрашув кун тартибидан сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш масалалари ўрин олган.

***

• ҚОҲИРА. Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяху Миср Президенти Ҳусний Муборак билан музокаралар олиб бориш учун Мисрга келди. Бу Исроил ҳукумати бошлиғининг араб мамлакатига илк ташрифидир.

Аломат гаплар

БАЛИҚЛАР «ТИЛИ»

Афина. Зоодўконлардан бирининг соҳиби ғалати тажриба ўтказди. Маймун, йўлбарс, қоплон, илон, ҳатто шерни ҳам инсон ўз изнига бўйсундиради. Яъни машқларга ўргатади. Лекин сув жониворларинг кўпи, балиқ ҳам «озодлик»да юрганди-да.

Дўкон мудири Николас Банов балиқларни қўлга ўргатиш учун машқ қила бошлади. Мудир ўз ишидан мамнун. Балиқлар бинойидек «тилга» тушунадиган бўп қолишди.

— Балиқнинг гуппи тури тезроқ «тилга» тушунади, — дейди Николас Банов. — Сунъий сув ҳавзасига яқин келиб қўлимдаги таёқчани тик турғазсам, гуппи думида тик туради, доира шаклини чизиб кўрсатсам, чир айланиб думини тишлаётгандек рақс унсурини бажаради. Ҳатто балиқлар ҳам аразлашади. Шундай кезлари гуппи шартта ўгирилиб кетади ё тик қотиб «қулоқ» солмай тураверади.

Николас шундай қилиб балиқлар «тилини» ўрганди. Балиқлар кўриш ё эшитишдан кўра кўпроқ қўл ҳаракати магнит тўлқинларини ҳис қилади, деб ҳисоблайди у.

Фанга ҳам жумбоқ

ТУШЛИККА БАЛЧИҚ ТОРТИҚ

Янги Гвинея. Африкалик ёввойи қабила ҳақидаги шов-шувлар барчани ҳайратга солди. Моруака қабиласининг ғайри-оддий яшаш тарзидан ҳатто машҳур антрополог-қадимшунос Орландо Дедгари ҳам ажабланганини яшира олмади.

Моруака қабиласининг сири нимада? Ёввойи одамлар балчиқ, лой билан овқатланиб, 160-200 йил яшашаркан?

— Шубҳасиз, моруака ер юзидаги энг ғаройиб қабила — дейди доктор Орландо Делгари. — Улар энг бўлмағур «овқат»ни еб, 200 йиллаб умр кўрса-я? Оддий тош парчаси, балчиқ, лой қоришмаси билан кун кўришни тасаввур этиш даҳшат-ку? Инсон организми тугул бошқа тирик мавжудот ҳам буни қандай ҳазм қилиши ҳали фанда кутилмаган воқеада. Лекин моруака қабиласи одамлари соппа-соғ, отдек!

Барча одамлар ҳам моруакалардек овқатланса, икки аср яшайдими?

Таниқли антрополог-қадимшунос олим ёввойи одамлар сирини очишга астойдил киришди. Доктор Дельгари олти нафар дунёга машҳур мутахассислар экспедициясини тузди ва моруакалар маконига йўл олди.

Ёввойи қабила одамлари Даупаи дарёсининг юқори оқим қисмида яшашади. У Янги Гвинея чангалзорлари қоқ маркази ҳисобланади. Экспедиция аъзолари моруакаликлар тушлиги устидан чиқишди. 129 нафар тош асри ёввойи одамлари тушлик дастурхонига балчиқ тортиқ қилинди.

Олимлар икки ҳафтадан ортиқ вақт ёввойилар билан бирга яшашди. Қабиладошлар ўзаро аҳил-иноқ. Ким айтади уларда тараққиёт, маданият йўқ деб. Катта ёшдагилар алоҳида, болалар бўлак овқатланишади. Уларнинг ўз яшаш тартиб-қоидаси бор. Ҳар куни 20 нафар эркак қабиладошларига емак ташийди. Тош парчалари, лой, кесак, ахлатлар... Аёллар эса балчиқ билан қориштиради. Таом тановвулга тайёр! Улар жуда меҳмондўст. Бир неча бор меҳмонларни дастурхонга таклиф этишди. Ҳатто қизиқувчилар тановвулга урониб кўришди. Афсус...

Меҳмонлар ҳам ўз навбатида мезбонларни мева, сабзавот, консервалар билан сийлашди. Моруакаликлар бундай таомлардан кўнгиллари беҳузур, лоҳас бўлаётганлигини билдириб дарров ётсираб қолишди.

Тўғри, бирор халқ ёки қабиланинг нима билан овқатланиши унчалик ажабланарли ёки сирли ҳодиса, баҳслашишга мутлақо мос мавзу эмас. Бўлолмайдиям. Лекин икки аср умр кўриш бу сир ҳозирча фангаям жумбоқлигича қоляпти.

Хоҳ ишонинг...

РУҲЛАР ЕРДА ЯШАЙДИМИ?

Тиббиёт оламида мўъжиза: Авраам Линкольннинг жасад-танаси 95 дақиқага тирилди!

Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай оламшумул воқеа рўй берди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида шифокорлар оламни ҳайратга солган тажрибага қўл урди. Собиқ (марҳум) Президент Авраам Линкольннинг танаси тирилди. У бир ярим соатдан ортиқроқ вақт «яшади». Бу дақиқалар ҳаёт тушунчаси қаршисида заррадек гап. Тиббиёт учун эса буюк кашф. Фандаги бу янгилик кашф бўлсада, бироз мусибатли тугади. Негаки, бу кашф тириклар учун самар берса, ўликлар-руҳлар учун азият келтирди.

Уолтер Рид армия даволаш марказининг маълумотларига қараганда, Линкольн тажриба-синов вақтида «тирилган». У шу мўъжизавий 95 дақиқалик «умрида» «марҳум Президент тирилди, ҳатто бошини сарак-сарак қилди, ўксиб-ўксиб йиглади». Ва яна мангу уйқуга кетди.

Ҳеч кимга сир эмас, Американинг илк Президенти Линкольннинг ҳаёти чалкаш муносабатлар, ғалвали, серташвиш шахсий ҳаёти ҳақида ҳар хил қарашлар, фикр-мулоҳазалар айтилади. Шунданми марҳум Президент 95 дақиқалик «мўъжизавий тирилиш» вақтидаям «ҳаётнинг чалкаш, мураккаблигидан ўксиб йиглаган».

Линкольн қайта ўлди. Лекин руҳи ерда — одамлар орасида қолди.

Вашингтон шифохонаси бўйлаб руҳ «ўз эгаси»ни қидириб юрибди. Америкаликлар бу воқеадан қаттиқ изтиробга тушди. Ҳатто матбуотда шифокорларга очиқдан-очиқ таъна тошлари отила бошланди. Газета шарҳловчиси Рассел Бекер олимларга қарата: «Авраамни тинч қўйинг», — деб талабнома ҳам ёзди.

Шифокорлар «буюк кашфиёт»ни сир тутишга уринишди.

Линкольнни «тирилтирган» мўъжизавий куч-қудратга эга дори — Ревивитол эса тез кунда ҳаммага маълум бўлди. Аслида эса шифокорлар ўликни қайта тирилтирувчи дорини амалиётда қўлламоқчи бўлишди. Яъни тажрибадан ўтказиш учун собиқ Президентнинг жасади ўта эҳтиёткорлик билан яхши сақланганлиги учунгина улар Линкольн устида тажриба ўтказишди.

Уолтер Рид армия даволаш маркази ҳамшираси репортёрларга аноним — яширин интервью беришга хоҳиш билдирди.

— Матбуот аралашгач, шифокорлар, олимлар таҳликага тушиб қолишди, — деди ҳамшира. Улар аста-секин Линкольнни қайтадан мўзлатишди. Бир неча кундан кейин ҳамшира дугонам тажриба ўтказилган жарроҳлик хонасида бир чеккада жимгина, қайғуга ботган, озгин кимса турган экан. У: «Нима қилиб турибсиз?» — деб сўраганда кимса ҳеч нарса англамай бир алпозда қараб тураверибди. Кимсанинг афти-ангори шунчалар абгор эканки, у қўрқиб кетибди. Кимса Линкольнлигини танибди. У қўрққанидан қочмоқчи бўлиб, ортига бурилса, кимса ҳавога «сингиб» кетибди. У Линкольннинг руҳи экан! Шу пайтгача жуда кўплаб ҳамшира, шифокорлар шифохона коридорида, кўпроқ ўша жарроҳлик хонасида Линкольнни учратади. Энди ундан унчалик қўрқмаймиз. Ҳар доим унинг кўриниши қайғули, ақл-ҳушини йўқотган алпозда қараб тураверади. Баъзида сокингина сўрайди: «Қаердаман!»

Шундай кезлари юрагим ачишиб кетади. Шифокорлар унинг руҳини безовта қилиб қўйишди. У доимо ниманидир қидириб, тентираб юради. Ҳа, у ахтаради. Назаримда, руҳ Линкольнни «йўқотиб» қўйган. Бу даҳшатли ва қайғули. Марҳум ҳаётлигида азият чекиб яшади, ҳозир эса у дунё билан бу дунё оралиғида ҳамон изтироб чекяпти...

Олимлар Ревивитол хусусида шарҳ беришдан ўзларини олиб қочяпти. Миш-миш, тахмин, фаразлар ортяпти. Улар бу баҳсли мунозарага келгуси йили аниқ бир далил-исбот келтиришларини айтишди, холос.

Одатда ҳар қандай тажриба ҳайвонлар устида синаб кўрилади. Инсон устида тажриба ўтказиш ҳали қайд этилмаган. Ҳатто ўликлар ҳам инсон деган буюк номдан маҳрум эмаслар. Фақат улар марҳум. Лекин улар ҳам азият чекади-ку!

Руҳлар тирик.

Биз билган ва билмаган тарих

ҲАЖГА БОРГАН АЁЛ ҚИСМАТИ

Замонасининг машҳур адиби, тарихчи, тилшунос олим ва шоир Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ас-Саолибий ан-Найсобурий (ан-Нишопурий) 961 йили Нишопурда туғилиб, 1038 йили шу ерда вафот этган. Саолибий 382 (992-993) йили Бухорога келиб, бир неча ой истиқомат қилган. Бу ерда кўплаб олим ва шоирлар билан мулоқотда бўлган. У Хоразмда ҳам бир неча вақт яшаган. Хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун (1009-1017) суҳбатида бўлган ва унга атаб асарлар ҳам ёзган.

Саолибий Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруниийлар билан бир даврда ва бир давлат ҳудудида яшаган. Лекин улар билан бевосита алоқада бўлгани ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Беруний ўз асарларида Саолибий маълумотларидан фойдаланган. У юзга яқин асарлар муаллифи. Булардан «Йатимат ад-даҳр фи маҳосини аҳл ал-аср» («Асри аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси») тазкираси, шу асар давоми бўлган «Татиммат ал-Йатима» («Йатимат ад-даҳр тўлдирмаси») китобларида Марказий Осиё ва хуросонлик 239 нафар шоир ҳақида нодир маълумотлар, шеърларидан намуналар келтирган. Араб тилида ёзилган ҳар икки тазкира Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи X-XI асрдаги араб тилидаги адабиётининг ягона манбаидир.

Булардан ташқари ас-Саолибийнинг «Шоҳномаи Саолибий», «Ал-Ийжоз ва-л-эъжоз», «Латоиф ал-маориф» («Ажойиб маълумотлар») асарлари ҳам Марказий Осиё халқлари адабиёти ва тарихини ўрганишда қимматли манба сифатида машҳурдир.

Ўн бобдан иборат бўлган «Ажойиб маълумотлар» китобининг биринчи бобида биринчи бўлиб у ёки бу ишни қилган, бирор нарса ёки буюмни тайёрлаган кишилар ҳақида сўзлар экан, «меҳмон учун мажлиснинг юқори томонини расм қилган ва (меҳмонни) «меҳмон» — бу сўзнинг тафсири «уйнинг хожаси» демақдир, деб атаган биринчи киши Баҳром Гўрдир» — дейди. «Савиқ» — арпа ва бўғдой унидан тайёрланган ёвғонни биринчи пиширган, пистирма қўйиш учун отларни биринчи бичма қилган, душман аскарларидаги жосусларни аниқлаб, қочаётган душманни тўхтатиш ҳақида буйруқ берган биринчи киши Искандардир», «Темирдан найза ясатган биринчи киши Зу Язан ал-Ҳимарийдир». «Дирҳам ва динорга биринчи арабча нақш солган киши Абдулмалик ибн Марвондир». «Биринчи марта касалхона қурган киши ал-Валид ибн Абдулмаликдир» — деб ёзади.

Асарнинг «Шеърлар туфайли лақаб берилган шоирларнинг лақаблари ҳақида» (2-боб). «Машҳур кишилар, аъёнлар ва шулар кабиларга тегишли бошқа ислом лақаблари ҳақида» (3-боб) деган боблари ҳам диққатга сазовор. Бу ерда Саолибий Исломгача ва ундан кейинги кўплаб шоирлар, арабларнинг машҳур кишилари, халифалар лақаблари ва турли мамлакатларни фатҳ этган лашкарбошиларга ерли халқлар томонидан қўйилган лақаблар ҳақида нодир маълумотларни қолдирган.

«Ажойиб маълумотлар»нинг тўртинчи бобида қадимги котиблар ҳақида қимматли ва муҳим маълумотлар келтирилган. Бу ерда Саолибий ўзидан аввал ва замонасида яшаган машҳур котиблар номини зикр қилади.

Китобнинг бешинчи бобида Саолибий ирқ ва насаб жиҳатдан, яъни ўзи, отаси, бобоси кабилар тахт сўраб келган халифа, вазир, қози ва бошқа ҳукмдорлар, насл-насаби билан шоир бўлганлар ҳақида сўз юритади.

Китобнинг охирги ва энг катта бобида турли мамлакат, шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг гўзалликлари ҳақида ҳикоя қилинган. Ўрта ва Яқин Шарқнинг айрим йирик ва машҳур, маданият ва савдо-сотиқ ривожланган шаҳарлари ҳақида бу бобда Саолибий келтирган маълумот ва ривоятлар ҳуда муҳим тарихий, этнографик ва адабий аҳамиятга эга. Муаллиф бу ерда шаҳарларнинг ўзига хос хусусияти, об-ҳавоси, ташқи ва ички савдоси, фойдали қазилмалари, ҳайвонот дунёси, деҳқончилиги, ҳунармандчилиги ва санъати ҳақида нодир маълумотлар қолдирган.

«Ажойиб маълумотлар» китобининг «Инсон табақаларининг ниҳоятда юқори сифатга эга бўлганлари ҳақида» деб аталган олтинчи бобида эр-хотинларнинг энг чиройлилари, эркакларнинг насаб жиҳатидан энг шарафлиси, инсонларнинг энг меҳрибони каби маълумотлар билан бир қаторда дунёда энг сахий аёл Жамила ҳақида ажойиб бир ривоят келтирилган. Шуни газетхонларга ҳавола қилишни лозим топдик:

«Ҳаж қилган на эркак подшоҳ ва на хотин подшоҳлардан ҳеч бири у каби мурувватни ўрнига қўйиб ҳаж қилолмаган хотин Жамила бинт Носир ад-давла Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Абдуллоҳ ибн Ҳамдондир. У Абу Тағлабнинг ҳамшираси эди. У 366 йили (977 йил август) ҳаж қилган ва унинг ҳаж қилган йили мақолга айланиб, тарих бўлиб қолган. Бу шундайки, у мурувватни ўрнига қўйиб, мол-мулкини тақсимлаб, ажойиб хислатларни намоён қилиб, қарамлиликни шундай ёйдики, халифа ва подшоҳлар қизларининг ҳаж қилганларидан Зубайда ва бошқалар ёки халифа ва подшоҳларнинг ҳаж қилганларидан бирортаси у билан тенглаша олмайди. Ишончли кишининг менга хабар беришича, у (ҳаж) мавсумининг ҳамма аҳлига Табарзад шакари аралаштирилган муздай савиқ[1] ичирган. У бошқаларга бериш учун катта сопол тоғораларда сабзавотлардан туяларга юклаб, ўзи билан олиб борди, пиёда ҳаж қилган кишилардан беш мингтасини алоҳида улов билан таъминлади, Каъбага ўн минг динор сочиб юборди, Маккада турган даврида ҳар вақт у ер (Каъба)га анбар шамларни олиб бориб (ёқди); уч минг қул ва икки минг чўрини озод этди, қўшниларни жуда катта туҳфалар билан бойитди, инсон табақаларидан эллик минг кишига сарпо кийгизди. У билан бирга 400 та безатилган чодир бўлиб, уларнинг қайси бирида унинг турмуши маълум эмас эди. Унинг ҳақидаги қиссалардан: у ўз шаҳри Мавсилга[2] қайтиб келганда бирмунча вақт ўтиб кетган эди. Азудуддавла Фанно Хусрав[3] унинг мол-мулки, қалъалари ва хонадони аҳлининг подшоҳлигини истило қилиши сабабли (кўп ишлар) юз берди. У жуда ночор ва жирканчли ҳолга тушиб қолади, ҳаддан ташқари қашшоқлашади. Фанно Хусрав уни ўзига хотинликка сўрайди. (Жамила) ўзини ундан юқори тутиб, унинг талабини рад этади. (Фанно Хусрав) унга нисбатан кек сақлайди. Қачонки (Жамила) унинг қўлига тушган эди, ундан қасдини олди, унга ёвузлик қилишдан тийилмади, ҳатто ялангоч ечинтириб, шарманда қилди ва уни икки нарсадан бирига мажбур этди: агар рози бўлса, (Фанно Хусрав) қўлига тушган мол-мулкининг қолган қисмини олади, агар қаршилик қилса, фоҳишахонага (жўнатилади) ва у ерда мусодара қилинган моллар эвазига тўланадиган нарсаларни қўлга киритади. Қачонки унинг иши танг бўлиб, шарманда бўлишини сезгач, уни пойлаб турган миршабларни ғафлатда қолдириб қочади ва ўзини Дажла (дарёси)га ташлаб, ғарқ бўлади, (Тангри) уни раҳмат қилсин.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

1. Савиқ-бўғдой ёки арпа унидан хурмо ёки қанд қўшиб тайёрланган атала, ёвғон.

2. Мавсил — Ироқда Дажла дарёси қирғоғида жойлашган шаҳар.

3. Азудуддавла Фанно Хусрав (936-983) — Бувийлар сулоласи амири, Жамила унинг амакиваччаси бўлган.

БИР УМРГА ТАНЛАНГАН ЙЎЛ

Дил изҳори

Тақдир тақозоси билан 1983 йил бошида «Совет Ўзбекистони (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг масъул котиблигига тайинландим. Бу ҳақдаги қарор таҳририят жамоаси йиғилишида маълум қилинди. Ҳамкасабалар қутловидан сўнг, одатга кўра, сўз олиб, дедим:

— Ўринбосарларим Яҳё ака Тўхтаевнинг бой тажрибаси ва чуқур билими, Ҳамиджон Султоновнинг ёшлик ғайрати ва изланувчанлигига таяниб, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан.

Янглишмаган эканман. Улар дастлабки кунларданоқ, менга энг яқин суянчиқ, ҳамкор ва ҳамфикр бўлишди.

... Шу ўринда озроқ чекиниш қилсак. Маълумки, газета, таъбир жоиз бўлса, бамисоли янги бир бино, котиб эса, ана шу қурилажак иншоотнинг меъмори. Кошонанинг кўрки, салобати ва гўзаллиги, аввало, лойиҳада акс этганидек, рўзнома туғилажак сонининг шаклишамойили макетда— бўлажак саҳифа нусхасида гавдаланади. Меъмор тимлай изланганидек, котиб ҳам ҳар куни янги газета макети устида қунт билан ишлайди, саҳифаларни безашнинг янги-янги қирраларини қидиради. Сабаби аён — у доим ўз газетаси бошқа рўзномалардан кўркамроқ, сулувроқ бўлиши иштиёқи билан ёнади.

Котибиятда ишлаш — ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Унинг иши ҳам, вазифаси ҳам кўп. Деярли ҳар куни у тайёр мақолаларни бирма-бир кўздан кечириши, теришга бериши, макет қилиши лозим. Бўш қолди дегунча, ўзини қизиқтирувчи мавзуларда ёзгиси келади, албатта.

Қуйида сўз юритмоқчи бўлганимиз Ҳамиджон котиблик учун туғилгандай, гўё. Мана бу гапим айримларга эриш, бачкана туюлиши мумкин. Аммо мен учун пурмаънога эга. Ҳамиджон ишга келиши билан, столи устини ортиқча қоғозлардан тозалагач, қўлини совунлаб, яхшилаб ювиб келарди. Чунки, газета мазкур сонининг йўналиши, мазмунмоҳияти, кўриниши, маълум маънода, котибнинг ҳам қўлида. Шу боис унинг тақдирини тоза қўлли, оқ кўнгилли, пок ниятли киши қўлига топшириш лозим.

Биз Ҳамиджон билан «Совет Ўзбекистони»да ўн саккиз йилдан кўпроқ, котибиятда эса, ўн йилдан зиёд ёнма-ён ишладик. Ундаги изланувчанлик, толиқиш билмаслик, оилапарварлик, муомала маданияти, одобни, ҳар бир икир-чикирни ҳам ҳисобга олишни айтмай қўя қолай. Мен кўпинча унинг бир фазилатига қойил қолиб юраман: у навбатдаги сон режалаштирилгандан сўнг макетни тузиб уйига қайтади. Йўлда ҳам фикр-ўйини макетларга «жон» киритишга қаратади.



Эсимда: бир куни бош муҳарриримиз газетанинг бўёқ ҳиди анқиб турган янги сонини кўздан кечирди-да, мийиғида жилмайиб, Султоновга юзланди:

— Ҳамидхон! Кўрга ҳасса қилибсизку!

Бу — бир томондан, унинг котиб маҳоратига тан бергани далолат берса, иккинчи жиҳатдан, бир кун аввал, юқори идорадагилардан, фалонфалон мавзуларни яхши ёритмаяпсиз, деб дакки эшитганлиги, уларга, газетани синчиклаб ўқиш керак, ана шунда ўша мавзуларга кўзингиз тушарди, маъносида эътироз билдирмоқчи бўлганлиги, аммо улар билан баҳслашгиси келмаганлигини истеҳзо билан, ўзига хос усулда ифодалаган эди.

Дарҳақиқат, рўзнома ушбу сонидаги махсус саҳифа янги тушганкелиннинг уйига ўхшарди. Умумий сарлавҳа, рукнлар, кичик сарлавҳалар, танланган ҳарфлар, диаграмма ва суратлар, иқтибослар моҳир каштачи қўли билан тўқилгани мисол ярқ этиб кўзга ташланар, ўқувчилар эътиборини ўзига жалб этмасдан қолмасди.

Ҳ. Султонов котибликни юксак профессионализм даражасига кўтарганди. Шу боис унинг макети асосида чоп этилган газета сонлари кўпинча йиғилишларимизда мақталар, бундан руҳланган Ҳамиджон эса, республикамиз вилоятларида ўтказиладиган семинарларда ўз тажрибаларини бошқалар билан эринмасдан баҳам кўрарди.

Ҳамиджон ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик, топширилган ишга масъулият билан ёндашиш хислатларини 1993 йили «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририятига ишга ўтгандан сўнг ҳам сақлаб қолди. У ойнома жонкуярларидан бири сифатида мамлакатимиздаги журналистик жамоаларнинг фаолияти, газетачилик иши амалиётини таҳлил этиш, қаламкашларнинг ижодий изланишларини ёритишда фаоллик кўрсатмоқда.

Мақоламиз қаҳрамони — Ҳ. Султонов бугун «Элликвойлар» қаторида. Бу — камолот ёши. Бироқ, ўсиб-улғайиш ҳамда маҳорат қирраларини эгаллашнинг чегараси бўлмайди. Ҳамиджонга бир пайтлар ўзи танлаган ва умр бўйи боғланиб қолган ишида навбатдаги парвозларни тилаймиз.

Эркин ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси совриндори.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40..
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи Ж. ИСКАНДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0363

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.10
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Соғлом авлод учун

ОНА МЕҲРИГА ҚОНИБ

Янгийўл тумани Халқобод шаҳарчасида «Она ва болалар» акушерлик мажмуи фойдаланишга топширилди.

Туманда салкам 114 минг аҳоли яшайди. Бу ерда туғилиш даражаси юқори. Афсуски, туғилишлар ҳам асоратсиз ўтмайди. Шунинг учун ҳам акушерлик мажмуини ишга тушириш билан оналар ва болаларга замонавий тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда. Бола туғилгандан кейин онаси ёнида бўлади. Аёллар маслаҳатхонаси кўрсатмалари асосида бўлажак оналар мажмуига қабул қилинадилар.

— Ходимларнинг аксарияти малака ошириб қайтганлар. Саломатликни тиклаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш ишларини янада такомиллаштириб боряпмиз, — дейди вилоят ҳокими Эркин Рўзиев. — Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган саккизта хона, тикланиш бўлинмалари, дам олиш ва овқатланиш хоналари дид билан безатилган. Қурилишга беш ярим миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Жарроҳлик бўлинмаси ҳам мукаммал. Лазер хирургияси, замонавий тиббиёт техникаси даволаш ва қатор операцияларни тиғсиз ўтказиш имконини беради. Асбоб-ускуналарнинг асосий қисмини «Тошвилтибтаъминот» уюшмаси етказиб берган бўлса, «Тошвилнефтбаза» ҳамда «Соҳибкор» ҳиссадорлик жамияти ўзларининг инсонпарварлик ёрдамларини аямадилар. Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов мажмуа очилишида сўзлаб: «хайрли тадбир «Соғлом авлод учун» дастурини амалга ошириш йўлидаги собитқадамдир», деб таъкидлади.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАЙРОҒИМИЗНИ ТЕМУР КЎТАРИБ ЎТДИ

XXVI ёзги олимпиада машъали порламоқда

Ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган бу улкан спорт анжуманини орзиқиб кутиш тобора одатга айланмоқда. Ишқибозлар, спортчилар ўз йўлига-ку, болалар, уй бекалари, ҳатто кексалар ҳам олимпиаданинг очилишини катта завқ билан томоша қиладилар. Атланта олимпиадасининг очилиши ҳам шундай бўлди. Замонавий олимпиада ўйинларига асос солинганлигининг юз йиллиги нишонланаётган кунларда навбатдаги спорт анжумани ўтказилиши ўзига хос тантановорликни юзага келтирди.

Шу куни 80 минг ўринли ўйингоҳ лиқ тўла эди. Бу ерга яна мусобақа иштирокчилари бўлган гуруҳлардан иборат 10 мингдан зиёд киши кириб келди. Ўйингоҳ «кўзи» дунёга назар солаётгандек. Манзарани юксакликдан олиб кўрсатилиши кишида ана шундай таассурот қолдиради. Олимпиада нафаси 170 мамлакатга етиб, 3,5 миллиарддан ортиқ одамларга завқ бағишлади. Бундайроқ қилиб айтганда, шунча нигоҳ телеэкранларга қадалди.

Олимпиада ташкилотчилари тантанали очилишга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўришгани кўзга ташланиб турди. Кўргазмали чиқишлар, рақс-қўшиқлар, марш ва мадҳиялар садоси уйғунлашиб кетгандай. Ўйингоҳ ўртаси улкан саҳнани эслатади. Жонли лавҳалар тез-тез ўзгаради. «100», «Атланта» каби рақам ва сўзлар жонлангандай бўлади. Бу ерда ёшлик, тинчлик, бирлик, мардлик каби сўзлар гўзаллик тимсолига айланган.

Ўйингоҳ ўртасида олимпиаданинг олтин медали рамзидаги очиқ саҳнага энг кучли спортчилар кўтариладилар. Электр табло ёнига жойлаштирилган улкан экранда қарийб 22 минг километр йўл босиб, ўйингоҳ сари интилаётган машъала ҳаракати намойиш этилади. Маълумки, олимпиада машъаласининг ёндирилиши ҳамиша бетакрор бўлади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Машъала тутган йигит югурганича махсус йўлакка кирди. Унинг қўлидан бошқаси олди. У эса йўлак охирида кўринмай қолди. Кўп ўтмай ўйингоҳ ўртасидаги очиқ саҳна ўртасида туйнук очилиб, машъала тутган ўша йигит пайдо бўлади ва гулдурос олқишлар янграйди. Машъала билан югуриш давом этади. Кейин у юксакликка кўтарилиб, машъалани бокс бўйича жаҳон чемпиони Муҳаммад Алига тутқазади. У махсус мосламага ўтни тутиб ёндиради. Аланга сирли суратда юқорига учаётгандай улкан машъалагоҳга урилди. Олов ловиллай бошлайди. Бу машъала икки ҳафта мобайнида ловиллаб туради.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Экран қаршисида бетакрор воқеаларни кўздан кечирар эканмиз, илк марта мустақил диёримиз номидан олимпиада ўйинларида иштирок этаётган спортчиларимизнинг ўйингоҳга кириб келишларини интиқлик билан кутдик. Ҳарқалай улар кейинроқ кириб келишган бўлсада, қалбларга сурур бағишлашди. Мовий-яшил байроғимизни таниқли боксчимиз Темур Иброҳимов кўтариб бораётганини шарҳловчи мамнуният билан изҳор этди. Улар шаҳдам қадамлар билан кириб келар эканлар, ўйингоҳ бўйлаб мадҳиямиз садолари янграб турди. Улкан экранда эса байроқдорнинг юришини йирик қилиб кўрсатишди. Кўнгилларда эса бу байроқ ва гимн ғолиб спортчиларимиз шарафига ҳам кўтарилиб, янграйди, деган туғён бор эди.

Очиқ саҳнага Атланта мэри билан халқаро Олимпиада қўмитасининг президенти Х. Самаранч кўтарилдилар. Ҳар иккиси ҳам мусобақа иштирокчиларини мубораклаб этиб, ғолиблик йўлида мард ва одил бўлишга чақирдилар. Ундан кейин АҚШ Президенти Билл Клинтон олимпиадани очиқ, деб эълон қилди. Бу пайтда эса бешта туташ ҳалқа рамзи туширилган оқ байроқ ҳилпираб турарди.

Кеча ва ўтган куни эса спортнинг бир қанча турлари бўйича қизғин мусобақалар бошланиб кетди. Ҳар бир спортчи ўз юртининг шон-шарафи учун маҳорат кўрсатишга астойдил ҳаракат қилиши табиий. Ўйлаймизки, ватандошларимиз ҳам ўзларининг руҳий ва жисмоний имкониятларидан расамади билан фойдаланиб, ғолиблик суласини кўзлайдилар. Боиси, халқимиз олимпиадачиларимизга катта ишонч билдиришган. Албатта, «олимпиячи бўлиш—шараф», зеро чемпионлик нур устига аъло нурдир.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 51-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Абасхонов Афзал Омониллаевич номига берилган UZC№ 015711 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси туман кенгаши ва шаҳарча ҳокимлиги туман партия кенгаши котиби Тамара Шукурлаевага отаси
Шукур ЭРНИЁЗОВнинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси

ОСИЁ БОЗОРИ

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ОСИЁ БОЗОРИ»

иқтисодий-ахборот, реклама илова газетаси доимо сизнинг хизматингизда!

«Ўзбекистон овози» газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси — «ОСИЁ БОЗОРИ»нинг ҳам бугунга келиб муштарийлари сони ортиб бормоқда. Хорижий фирмалар ҳамда тадбиркорларнинг рўзнома саҳифаларида чоп этилаётган турли эълон ва рекламаларга бўлган қизиқиши эса кучайяпти. Шу муносабат билан газета таҳририяти реклама ва эълонларни инглиз тилида ҳам чоп этишни йўлга қўйди. Яна бир гап: «Осиё бозори»нинг икки нусхасини сотиб олган кишиларнинг хусусий эълонлари бепул чоп этилади. Марҳамат, сиз бу масалада бизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Дарвоқе, отахон газета таҳририятида инглиз тилидаги «Ўзбекистон овози — таймс» иловаси ҳам нашр этиляпти. Сиз бу иловада ҳам реклама ва эълонларингизни чоп этишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 344, 343, 347-хоналар.
Телефонлар: 33-38-55, 33-54-55.
Факс: 33-79-14.

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД»
ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ
15 кг ва 50 кг ун қопларини ҳамда қуйидаги тегирмон вальцларини пул ўтказиш йўли орқали
СОТАДИ
Бухлер стандартли вальц (1000x250) — 125 000 сўм.
Рус стандартли вальц (1000x250) — 120 000 сўм.
Рус стандартли вальц (800x250) — 110000 сўм.
Бизнинг манзил: Тошкент, Маяковский кўчаси, 6.
Телефонлар: 67-23-74, 67-77-41.

ТАШКИЛОТ

Қозоғистонда ишлаб чиқарилган А-76, А-80 автомобиль бензинлари ва дизель ёнилғиларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулида
СОТАДИ
ҳамда узоқ муддат сақлаб беришни
ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Нархлар арзон, шартнома асосида.
Улгуржи харидорлар учун нарх тушириб берилади.
Ёнилғини ташиш учун автомобиль хизмат кўрсатади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Боткин кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 67-44-60, 68-12-06.